• *Мустақиллик иншоотлари*

# ШЎРТАНГ ОЛТИНГУГУРТИ

***Қашқадарёдаги Шўртанг газ конларидан топилган табиий ёқилғи таркибида олтингугурт борлиги аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, уни маиший мақсадларда ишлатиб бўлмайди. Сабаби — газ таркибидаги олтингугурт ёниш жараёнида заҳарли моддаларга айланиб, инсон саломатлигига путур етказиши мумкин. Бу хилдаги газ қувурларнинг тез ишдан чиқишига ҳам сабаб бўларкан.***

Ҳозирги кунда республикамизнинг кенжа саноат шаҳарларидан бири — Муборак яқинида газ таркибидан олтингугурт ажратиб оладиган корхона ишлаб турибди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу корхонада Шўртанг газининг бир қисми қайта ишланиб, саноат тармоқларига, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисига етказиб берилмоқда. Бу табиий ёқилғининг ҳаммасини олтингугуртдан ҳоли қилиш учун ҳали кўпгина муаммоларни ҳал этиш лозим. Шунинг учун ҳам Шўртанг газ конлари бошқармаси маъмурияти бевосита коннинг ўзида газдан олтингугурт ажратиб олиш таклифини ўртага қўйди. Бу таклиф республика ҳукумати томонидан маъқулланди. Натижада кўп ўтмай янги жиҳоз ва ускуналар келтирилиб, ўрнатила бошланди. «Ўзбекистон — Лукойл» ҳиссадорлик жамиятининг мутахассислари кончилар билан ёнма-ён туриб ишладилар. Улар қарийб бир ярим йилга мўлжалланган юмушларни саноқли ойлар ичида бажариб, бунёдкорлик қудратини намоён этишди.

Шундай қилиб, мустақил республикамизнинг улкан газ конида «зангори олов»дан кимё саноати учун қимматбаҳо хомашё — олтингугурт ажратиб олиш йўлга қўйилди.

— Бу ишни рўёбга чиқаришда чет эллик ҳамкорларнинг ҳиссаси катта, — дейди Шўртанг газ конлари бошқармаси бошлиғи, тажрибали муҳандис Абдулла Абдуназаров.

Улар бизга молиявий жиҳатдан беғараз ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, «Ўзмахсусэнергогаз» бирлашмаси, «Ўзбекистон — Лукойл» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари, муҳандис-техник ходимлари ҳам куч-ғайратларини аямади. Иш икки сменада ташкил этилгани, зарур жиҳозлар ўз вақтида етказиб берилгани туфайли ушбу иншоотни қисқа вақт ичида барпо этишга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, шундай. Корхона йилига юз миллион куб метрдан зиёд газни қайта ишлаш, 14 минг тонна олтингугурт ҳосил қилиш қувватига эга. Бу қимматли хомашёни чет элларга экспорт қилиб, эвазига замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш мўлжалланаяпти.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Қандай яшаяпсан, болакай?*

# АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Тошкент шаҳридаги Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи жамоаси турли мавзуда ўтказилажак тадбирлар режасини тузиб олдилар. Уларнинг мақсадлари боққа ташриф буюрувчи ҳар бир дам олувчининг кўнглини хушнуд қилиш ва мароқли дам олишини уюштиришдан иборатдир. Турли хил шакл ва мазмундаги тадбирларни ўтказиш, қизиқарли байрам ва кечалар, учрашув ҳамда энг яхши бадиий жамоаларнинг чиқишларини мунтазам ташкил қилиш Улуғбек номидаги истироҳат боғи жамоасининг доимий анъанасига айланиб қолган.

Шаҳар ва тумандаги энг яхши бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари уюштирилиб, уларнинг ижодлари халққа тарғиб қилинмоқда. Ёш хонандалару мусиқачилар, қизиқчилару раққосаларнинг кўрик-танловлари уюштирилмоқда. Туманда турли ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда меҳнат фахрийлари ва илғорлари билан учрашув кечалари, касб байрамлари, оммавий сайиллар бўлиб ўтмоқда.

Барча тадбирларни юксак савияда ўтишига сабаб, боғ ҳудудининг тозалиги, ҳавосининг софлиги ва ўсимлик дунёсининг гўзаллигидир. Ходимларнинг дам олувчиларни очиқ чеҳра билан кутиб олишлари арғимчоқ, айланмачоқ, чархпалакларнинг узлуксиз ишлаб туриши боққа келувчилар сонини тобора оширмоқда.



Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғига Баҳодир Султонов ўн икки йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. У ўз раҳбарлик фаолияти даврида асосий қисми ёшлардан ташкил топган ишчан жамоа тузди. Ишга бўлган ғайрати ва талабчанлиги, ташкилотчилиги ва меҳнатга ижодий ёндошиши туфайли истироҳат боғи беқиёс чирой очди, эл оғзига тушди.

— Айниқса бизнинг кичкинтойларимизга боғ маъмуриятининг меҳри бўлакча, — дейди Чилонзор туманидаги 2-болалар уйи тарбиячиси Виктория Баженова. — Чунки улар ҳар сафар болалар уйи тарбияланувчилари учун бепул хизмат кўрсатишади. Кўнгли ярим кичкинтойларнинг бағрини бутун қилишади. Авваллари бундай эмас эди.

Дарҳақиқат, боғдаги бугунги ҳаёт ўзгача, ҳофиз айтганидек, аввалгиларга ўхшамас...

**Д. ОРИПОВА,**

**Суратларда: мазкур истироҳат боғидан лавҳалар.**
**С. МИХАЙЛОВ олган суратлар.**

• *Биртаям танқид натижасиз қолмайди*

# «ИККИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ»

**(«Халқ сўзи» 1996 йил, 18 апрель)**

***Унда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши Наманган шаҳри мисолида атрофлича таҳлил қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди:***

Мақолада кўрсатилган камчиликлар асосан тасдиқланди. Жумладан, назорат касса машинасисиз ишлаётган 162 савдо дўконининг 107 тасига ана шундай машиналар ўрнатилди. Қолганларига ҳам тез фурсатда аппарат ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар сони 2650 нафарга етди, улардан 26 апрель ҳолатига кўра 2916 минг сўм маҳаллий бюджетга туширилди. Шу йилнинг 1-чорагида улар фаолиятидан тушадиган даромад солиғи режаси 2021 минг сўм бўлиб, бу кўрсаткич ортиғи билан уддаланган.

Дебитор қарзларнинг пайдо бўлишига айрим корхона раҳбарларининг фаолияти сабаб бўлмоқда. Хусусан, Кимё заводи ва мебель тайёрлаш фабрикасида текшириш ўтказилди. Олдиндан 15 фоизли мажбурий тўлов бўлмасдан туриб, Кимё заводи Қарши шаҳридаги «Ўзбекнефтьгаз» геологик базасига 127,2 минг сўмлик маҳсулот юборган. Шунингдек, корхона «Ўзбекнефтьгаз»нинг Чортоқ базасига ҳам 475,2 минг сўмлик маҳсулот чиқарган. Бунинг учун завод бош директори М. Мамадалиев, бош ҳисобчи Л. Суюновалар 2000 сўмдан маъмурий жаримага тортилди.

Наманган вилоят ва шаҳар прокуратурасининг иш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича текшириш ўтказилган, унга шаҳар солиқ инспекциясининг мутахассислари жалб этилган.

Мазкур текшириш якуни бўйича вилоят ва шаҳар прокуратураси томонидан ана шу юқорида номи қайд этилган 9 та корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларидан 12 тасини маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарилган ва уларни ижро этиш шаҳар солиқ инспекциясига юборилган. Ушбу қарорлар асосида 12 нафар мансабдор шахс маъмурий жазога тортилган. 6 нафар мансабдор шахс эса қонун талабларини бузмаслик ҳақида огоҳлантирилган.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси мақолани кенг муҳокама этиб, унда қайд этилган камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараб маълумотномага имзо чекиб юборгани учун шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи И. Каримжонов огоҳлантирилди. Шунингдек, материалда баён этилган танқидий хулосаларга бундан буён асло йўл қўймаслик чоралари кўрилди. Тармоқ ходимлари юқорида баён этилган нуқсонлардан батамом ҳоли бўлиш йўлида изланмоқдалар.

**А. МАМАТЖОНОВ,**
**Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**

## «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»

***ҳафталик лотереясининг 1996 йил 5 июнда ўтказилган 11 тираж ўйинининг***

**НАТИЖАЛАРИ**

**Биринчи соврин — 36347 сўм, N 60766, N 13 серия, разряд 04 билети эгасига насиб этди.**

**Иккинчи соврин — 956 сўм, N 60766, разряд 04 билети эгасига насиб этди.**

**Учинчи соврин — 183 сўм, билет номери охирги рақами 6 билан тугаган ва серия N 13, разряд 04 бўлган билетларга тушди.**

**Билетларга тушган ютуқларни Халқ банки бўлимларидан олишингиз мумкин.**

**Навбатдаги 12-тираж ўйини 12 июнда бўлади.**

**01 разрядли 09,20 серияли билетлар ўйнайди.**

**БИЗ БИЛАН ЎЙНАНГ ВА ЮТИНГ!**

## ЭЪЛОН!

**Республиканинг илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш билан шуғулланувчи барча вазирликлари, комитетлари, академиялари, олий ўқув юртлари, илмий муассасалари, ташкилотлари раҳбарлари ҳамда аспирантлар диққатига**

***Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун 1997 йилги давлат стипендияларига даъвогарлар ўртасида ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун 2-ўқув йилини муваффақиятли тугатган 3-ўқув йилu аспирантларининг ҳужжатлари 1996 йилнинг 1 октябридан 30 октябригача қабул қилинишини маълум қилади.***

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-қароридаги «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ўтказилади.

Вазирликлар, комитетлар ва академиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун 1997 йилги давлат стипендияларини тайинлаш бўйича олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ва ташкилотларнинг илмий кенгашлари қарорлари асосида тайёрланган коллегия тавсияномалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилги давлат стипендиялари танловида қатнашувчи аспирантларнинг ҳужжатларини (2 нусхада) ЎзР ФТДКга 1996 йил 1 октябрдан 30 октябргача юборишлари керак.

**Манзилимиз: 700017, Тошкент шаҳри, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29-уй. телефон: 39-16-50, 39-12-38.**

• *Китоб жавонингизга*

# ТАРИХ ДАРСЛИГИ ПОЙДЕВОРИ

***Истиқлол туфайли миллий қадриятларимизни тиклаш ва ундан оқилона фойдаланиш, маданий меросимизни кенг кўламда ва ҳар томонлама ўрганишимизга кенг йўл очилди. Ўқув юртларида эса мамлакатимиз тарихи, маданияти ижтимоий — фалсафий тафаккурини ўрганиш йўлга қўйиляпти.***



Шу маънода «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан» ўқув қўлланмасининг чоп этилиши муҳим аҳамиятга эга (Тошкент, Ўзбекистон, 1995 й.). Мазкур рисола чиқиши биланоқ кенг ўқувчилар оммасининг диққат-эътиборини ўзига тортди. Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввламбор, шу вақтга қадар Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тарихи бўйича ёзилган яхлит бир ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилмаган ва чоп этилмаган эди. Тўғри, фалсафа тарихи, ўрта осиёлик мутафаккирлар дунёқараши ҳақида файласуфлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, адабиётшунослар кўп ишларни амалга оширишди, рисолалар чоп этилди, диссертациялар ёзилди ва ёқланди. Биз бу ерда «Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар» (Тошкент, 1957 й.), академик И. М. Мўминовнинг «Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан» (Тошкент, 1960 й.), «Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан очерклар» (Тошкент, 1977 й.) ва бошқа ишларни назарда тутаяпмиз. Шу вақтгача чиқарилган ўқув дарсликларида фалсафа тарихи бўйича боблар эълон қилинди. Аммо, тугалланган, маълум системага солинган дарслик ҳозирча йўқ эди.

Рисола қадим замонлардан тортиб XX аср бошидаги Шарқ халқларининг, хусусан Марказий Осиё халқларининг маданий меросини, ўтмиш фалсафий қадриятларини ёритиб беради. Қўлланманинг биринчи бобида VIII — XIII асрларда Ўрта Осиёнинг машҳур ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний кабиларнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашлари билан бирга Имом Бухорий, аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий кабиларнинг диний-ахлоқий қарашлари, тасаввуф оқимлари ёритилган. II боб XIII асрда Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихи ҳақидадир.

Рисоланинг XVI — XIX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-фалсафий тарихига бағишланган учинчи бобини алоҳида таъкидламоқчимиз. Фалсафа тарихига бағишланган кўп ишларда худди шу давр анча бўш ёритилганди. Мазкур ишнинг бу қисмида Қорабоғий, Шерозий, ал-Бухорий, Машраб, Сўфи Оллоёр кабиларнинг дунёқарашлари берилади. Рисоланинг ушбу боби шу даврдаги айрим шахслар дунёқараши тугал ҳолатда илк бор ёритилгани билан ҳам диққатга сазовордир.

Рисоланинг тўртинчи боби Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинганидан кейинги даврига бағишланган. Унда Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракати тарихи кенг ёритилган.

**М. АБДУЛЛАЕВ,**
**фалсафа фанлари доктори,**
**С. БОЙМАТОВ, доцент.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

*Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига*

"Рағбат" ва "Омад"

*номли янги омонат турларини таклиф қилади.*

"Рағбат"

*номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоиз миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.*

*Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.*

*Сақланиш муддати - 6 ой.*

Ютуқли омонат

"Омад"га

*пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!*

*Бу омонат тури "талаб қилиб олгунча" омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.*

**Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!**

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

*Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришини маълум қилади.*

*Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналарига уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялашларига ишонч билдиради.*

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"OIL SERVIS"

**Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш чоғида аниқ ҳисоб-китоб олиб бориш ва ёнилғи-мойлаш омборларидаги ёнғинга қарши аҳволни тартибга солишда Сизга ёрдам беради.**

***Ўн йиллик тажрибага эга бўлган ва "Ўздавстандарт"нинг 0132 рақамли лицензиясини олган корхона***

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРА ОЛАДИ:**

- *резервуарлар ва нефть қувурларини хажмий ва геометрик усулда ГОСТ ва мувофиқ тез ва сифатли даражалаш;*
- *резервуарлардаги тешик ва терчилаш (буғ билан қопланиш)ни уларни нефть маҳсулотларидан бўшатмай туриб (оловсиз усулда) тез бартараф этиш;*
- *автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларида созлаш, ишга тушириш юмушларини бажариш.*

**Бизнинг телефонлар:**

**(8-3712) 55-84-22, 45-52-95.**

Ўзбекистон телерадиокомпанияси республика радиосининг жамоаси «Ижтимоий ҳаёт» бош муҳарририятининг муҳаррири Гуласал Латипжоновага турмуш ўртоғи

**Шухрат КАРИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"ЎЗЖИҲОЗБУТЛАШ" А.Ж.

***қурилаётган ва қайта қурилаётган иншоотларни барча турдаги жиҳозлар ва маҳсулотлар билан бутлайди. Қуйидаги мавжуд маҳсулотларни келишилган нархларда сотади:***

- *кабель - ўтказгич маҳсулотлари;*
- *ёнғинга қарши воситалар;*
- *юқори ва пасткучланишли аппаратлар;*
- *ёруғлик техникаси, асбобга оид маҳсулотлар;*
- *қувур-арматураларига оид маҳсулотлар;*
- *насослар, ҳаво тозалагичлар, калориферлар ва бошқалар.*

Тўловлар пул ўтказиш ёки векселлар билан амалга оширилади.

(3712) 78-52-43, 78-87-43, 78-96-56.

budimex

10 ИЮНДАН 15 ИЮНГАЧА

К Ў Р Г А З М А

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Будимэкс" йирик поляк компанияси 1996 йил 10 июндан 15 июнгача қурилишга оид янги технология ва ашёларни, электр ва сантехника ускуналарини, шунингдек иш жойи мебелларини тақдим этади.

Кўргазмада Сиз ўзингиз учун энг мақбул ва қулай ҳамкорлик усулини танлай оласиз.

Манзил: Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 40
(Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар зали).
Иш вақти: душанба - 15.00-17.00, бошқа кунлари - 10.00-17.00.







# «ҚУРИЛИШ КЕЧАСИЮ КУНДУЗИ ТЎХТАМАС ЭДИ»

## (АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҚУРИЛИШИДАН РЕПОРТАЖ)



***Пойтахтимизнинг соҳибқирон номи билан аталадиган, шаҳарликлар ва меҳмонларнинг севимли ва гавжум хиёбони ёнида яна бир муҳташам бино кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Бу эрта-индин Тошкентимиз кўркига кўрк қўшадиган Амир Темур ва темурийлар тарихи давлат музейи биносидир.***

Музей жойи шундай танландики, у битгач, соҳибқирон номидаги кўча музейнинг сервиқор биносидан бошланади, музейга кираверишдаги хиёбон, фаввора кишининг баҳри-дилини очади. Бунёдкорлик ишлари вақтида атрофдаги дов-дарахтларга зиён етмайди.

... Учта қудратли кўтарма кран қуршовидаги майдонда, мана, бир неча ойдан буён кечаю кундуз иш тинмайди. Музейни «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчилари бунёд этмоқда. Корпорация таркибидаги «Турон» ҳиссадорлик жамияти бош пудратчи бўлиб, бу ерда 800 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Қурувчилар қисқа фурсат ичида жуда катта ҳажмдаги ишни уддалашга бел боғлаган — қурилиш Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида туталланиши керак. Шунда у соҳибқирон таваллудининг 660 йиллик тантаналари ўтказиладиган октябрь ойигача жиҳозланиб, экспонатлар билан тўлдирилиб, меҳмонларга ўз эшигини очади.

Ҳозир қурилишда монтаж ишлари охирлаб қолди. Маҳобатли темир конструкциялар тиклангач, дарҳол бетон плиталарни ётқизиш ва ғишт теришга киришилди. Йигирмадан зиёд қурилиш бошқармаси бунёдкорлари муайян участкада монтаж иши туталланиши билан пешма-пеш пардозлаш ишларини бошламоқда. Девор урилиб, сувоқ қотиши билан «Усто» фирмаси мутахассислари безаш ишларига киришмоқда.

Улкан «Камаз» цемент аралашмаси тўлдирилган «тандир»ини айлантирганча, Истиқлол кўчасидан қурилиш майдонига бурилади. Кўтарма кранни бошқараётган ёшгина қизнинг қўли-қўлига тегмайди. Чунки юқорига аралашмани пешма-пеш етказиб туриш керак. Зум ўтмай цемент тўла идиш юқорига кўтарилади. Иморат томининг атрофи ўраб чиқилган бетон плиталар қадимги шаҳарларимиз деворларини ёдга солади. Майдонга кириб келган иккинчи «Камаз» эса навбат кутиб туради...

Архитектор Абдуқаҳҳор Турдиев лойиҳасига асосан доира шаклида бунёд этилаётган музей остонаси ёнига мармар зинапоялар қуриляпти. Биринчи қаватда музей маъмурияти, экспонатлар сақланадиган бўлинмалар, шунингдек, 160 ўринга мўлжалланган машварат хонаси жойлашади. Ҳозир бу ерда иссиқлик, электр ва сув тармоқларини тортиш, шамоллатиш жиҳозларини ўрнатиш, сувоқ ишлари давом эттиріляпти. Икки тарафдаги зинапоялардан эса тўғри кейинги қаватга кўтарилади. Ҳавозаларнинг кўплигидан бино пештоқи ҳам кўринмайди. Бу ерда «Усто» мутахассислари гумбазнинг ички томонига ганч билан ишлов бермоқда. Махсус тайёрлаб келтирилган нақш бўлаклари юқорига етказиб беріляпти. Бинонинг ҳам ташқари, ҳам ичкаридаги устунлари миллий услубдаги нақшлар билан безатилади. Музей гумбазининг ташқи томонини тайёрлаб бериш Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамияти мутахассислари зиммасига юклатилган. Зумрад рангида товланувчи гумбаз узоқ-узоқлардан кўзни қувонтириб туради.

— Қурилишга бутун республикамиздан мутахассислар, ташкилотлар жалб қилинган, — дейди «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Пардозқурилиш» бошқармаси бошлиғи Аваз Каримов, — шу боис, иш тез суръатлар билан давом этмоқда. Мармар ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари вилоятларимиздан келтирилмоқда. Пойтахтдаги ўнлаб заводлар музей қурилиши буюртмасини олган. Сопол буюмлар комбинати ва чинни заводи бино ташқи фасади безакларини ишлаб беряпти. Югославиянинг «Торсвик» фирмаси мутахассислари пардоз ва махсус ишларни бажаришда бизга кўмаклашмоқда.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ҳам музей атрофини ободонлаштириш ишларини бошлаб юборди. Марказий зобитлар уйи боғи ҳудуди ҳам таниб бўлмас даражада ўзгаради. Истиқлол кўчаси янада кенгайтирилиб, музей атрофи кишилар ҳордиқ чиқарадиган масканга айланади.

Қурилишда эрталаб бўлган киши уни тушликдан кейин кўриб ҳайратланиши тайин. Бир ҳафта илгари кўрган жойингизни эса бугун таниёлмай қоласиз. Қурилиш шиддатига қараб бундан олти юз йил аввалги Самарқандда бажарилган бунёдкорлик ишларини тасаввур қилиш мумкин. Бу ҳақда муаррихлар шундай ҳикоя қилади:

«... XIV аср сўнггида Самарқанддаги савдо ҳажми шунчалик кўпайдики, мавжуд бозор ва дўконлар торлик қилиб қолди. Соҳибқирон навбатдаги ҳарбий юришдан қайтгач, ўз пойтахтида шаҳарнинг бир дарвозасидан кейинги дарвозасигача чўзилган бозор-кўча қуришга фармон берди. Бу — усти деразали гумбаз шаклида ёпилган, икки тарафида дўкон ва расталар жойлашган, шаҳар кўчалари унга туташ бозор бўлиши лозим эди.

Ғишт терувчи ва қурувчилар дарров ишга киришди. Одамлар навбатма-навбат ишлар, қурилиш кечасию кундузи тўхтамас эди. Кундузи ишлаганлар кечқурун уйига отланар, тунда уларнинг ўрнини яна шунча одам эгалларди...»

Музей қурилишида ҳам шундай ҳаяжон, шижоат ҳукм суради. Оқшом тушгач кундузи ишлаган қурувчилар ишни тугаллайди. Уларнинг ўрнини бошқа бинокорлар эгаллайди. Иккинчи смена иш бошлайди...

Маърифат маскани белгиланган муддатда ишга тушади.

**Б. ИМОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** музей қурилишидан лавҳалар.
**С. Зуфаров тасвирга олган.**

• *Теннис*

# КОРТ МАЛИКАЛАРИ

## ЁКИ НАФОСАТЛИ ТУРНИРЛАР ОЛАМИДА

***Юртимиз спортсеварлари гарчи мамлакатимизда аёллар тенниси ҳали ривожланмаган бўлса-да, жаҳонга машҳур ракетка соҳибалари Штеффи Граф, Моника Селеш, Арантча Санчес-Викарио, Мари Пьерс, Мартина Навратилова, Габриэла Сабатини, Кончита Мартинесни яхши билишади. Албатта, айни дамда бизда бундай кучли теннисчилар йўқ, лекин ана шу мақсад йўлида Ўзбекистон дастлабки қадамни ташлади. Эртадан бошлаб сайёрамизнинг 20 мамлакатидан келган теннис парилари, профессионаллар, Тошкент кортларига чиқишади.***



Ўлкамиз спортсеварлари шу пайтгача аёллар ўртасидаги йирик, челленжер сериясидаги турнирнинг шоҳиди бўлишмаган эди. Табиийки, бу турнир юртимизда аёллар теннисининг ривожланишига катта туртки беради. Хўш, бу турнирнинг дунё миқёсидаги даражаси қандай? Умуман, сайёрамизда аёллар ўртасида қандай йирик мусобақалар мавжуд? Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида ўтказиладиган челленжер турнири олдидан теннис ихлосмандлари учун шу ҳақда маълумот беришни лозим топдик.

Эркаклар ўртасидаги турнирлар каби аёллар ўртасида ҳам «Катта дубулға» сирасига кирувчи тўрт кит — яъни Мельбурннинг «Ford Australian Open» турнири, Франция очиқ чемпионати, Англиянинг Уимблдон турнири ва АҚШ очиқ чемпионати жаҳоннинг энг йирик теннис мусобақалари ҳисобланади. Бу турнирларнинг мукофот жамғармаси (ҳар бирининг) 4 миллион АҚШ долларидан юқоридир. Дунёнинг энг кучли теннисчиларини аниқлашда бу турнирлар беқиёс аҳамият касб этади. Тўрт кит турнири йилнинг тўрт фаслига тақсимланиб, улар ҳар йили мунтазам ўтказилади. Мельбурнда турнир 16-29 январь кунлари, Парижда баҳорнинг сўнгги кунлари ва июннинг дастлабки ҳафтасида, Англияда эса «Президент кубоги» билан параллел равишда, Нью-Йоркда октябрнинг дастлабки кунлари ўтказилади. Австралия очиқ чемпионатида ўтган йили германиялик Штеффи Граф ғолиб чиққан эди. У бу йил ҳам ўз муваффақиятини такрорлади. Айни кунда ниҳоясига етаётган Париж турнирининг ўтган йилги ғолиби испаниялик Санчес-Викарио бўлди. Шунингдек, у АҚШ очиқ чемпионатини ҳам ғалаба билан якунлади. Шунга қарамай Викарио рейтинг бўйича «биринчи ракетка» соҳибаси Штеффини ортда қолдиролмади.



Уимблдонда эса омад Испаниянинг яна бир вакили Кончита Мартинесга кулиб боқди. Шуни таъкидлаш жоизки, Кончита кейинги йилларда WTA-нинг кўплаб турнирларида муваффақият қозониб, рейтинг очколарини бойитди ва тасниф рўйхатида юқорига томон дадил одимлади.

Аёллар ўртасидаги профессионал турнирларнинг кейинги поғонасида WTA турнирлари туради. Бундай турнирлар жаҳон бўйича 50 тадан зиёддир. Улар ичида энг йириклари Токио (мукофот жамғармаси 806,25 минг АҚШ долларига тенг), Хилтон-Хед (806,25 минг доллар), Берлин (806,5 минг доллар), Ки Бисейин (1,550 минг доллар), Рим (806,25 минг доллар), Цюрих (806,25 минг доллар), Фладельфия (806,25 минг доллар) турнирлари ҳисобланади. Шунингдек, Нью-Йоркда ўтказиладиган, мукофот жамғармаси 3 миллион 500 минг долларга тенг бўлган «Virginia Slims» турнири кейинги пайтда аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати саналмоқда.

WTA сериясидаги турнирлардан кейингиси челленжерлар ҳисобланади. Бу турнирлар ўрта поғона профессионал теннисчиларининг маҳоратларини оширишга хизмат қилади. Челленжерларнинг мукофот жамғармаси 25 мингдан — 125 минг долларгача бўлиши мумкин.

Профессионаллар ўртасидаги теннис турнирларининг дастлабки серияси — сателлитлар ҳисобланади. Унда асосан профессионал теннисга энди кириб келаётган ёш теннисчилар қатнашади. Сателлит турнирида теннисчи олган 60 очко челленжернинг 1 рейтинг очкосига тенгдир. Челленжернинг асосий сетида қатнашган ҳар бир теннисчига 1 рейтинг очкоси берилади. Демак, ҳамюртларимиз Ирода Тўлаганова ва Лиля Биктякова «Динамо»да ўтказиладиган челленжерда дастлабки учрашувдаёқ ютқазиб қўйишса ҳам 1 рейтинг очкога эга бўлишади.

Шуни айтиш жоизки, энди 17 баҳорни қаршилаган Лиля ўтган йили ўз тенгқурлари орасида рейтинг бўйича МДҲ мамлакатлари теннисчилари орасида 8-ўринни эгаллади. Унинг тенгқури, «Динамо» челленжер турнири қатнашчиси россиялик Екатерина Тиханкина бу борада иккинчи ўринни эгаллади.

Эртага бошланадиган челленжер турнирининг «учинчи ракетка» соҳибаси ҳисобланаётган одессалик Елена Брюховец ўтган йили ёзда МДҲ профессионал теннисчилари ўртасида рейтинг бўйича олтинчи ўринни эгаллаган эди. Ундан 9 поғона паст ўринни эгаллаган украин қизи Елена Татаркова эса йил охирига келиб, адашини ортда қолдириб кетди. Айни дамда Татаркова жаҳон теннисчилари рўйхатида 171-ўринни, Брюховец эса 235-ўринни эгаллаб турибди. Шундан билса бўладики, 20 ёшли Татаркованинг маҳорати тобора сайқал топаяпти. Шунинг натижаси ўлароқ у мамлакатимизда ўтказиладиган челленжер турнирининг «биринчи ракетка» соҳибаси ҳисобланмоқда.

Хуллас, келгуси ҳафтада бизни ажойиб беллашувлар кутаяпти. Кейинги йилларда юртимизда ўтказилган бир қатор профессионаллар ўртасидаги теннис турнирларини бу галги челленжер ишонамизки аёллар нафосати билан тўлдиради ва у бизнинг ёш теннис маликаларимизга юлдузлар шуурини инъом этиб, республикамиз теннисининг ривожига катта кўмак беради.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси Бошқаруви тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва ҳиссадорлик жамиятларининг ишчи, хизматчи ва мутахассисларини касб байрами - Енгил саноат ходимлари куни билан чин қалбдан қизгин муборакбод этади ва мустаҳкам соғлиқ, шахсий ва оилавий бахт, унумли меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.
Фидокорона меҳнатларингиз туфайли бугунги бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб шароитда тармоқ ўз ишини бир маромда таъминламоқда.
Енгил саноатнинг келгусидаги ривожланиши учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан яқинда қабул қилинган "Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб - қувватлаш ҳақидаги" қарори фикримизнинг ёрқин далилидир.
Бу қарор асосида белгиланган дастурларни амалга ошириш енгил саноат маҳсулотлари билан бозорни тўлдириш, жонажон Ўзбекистонимиз иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш учун иштирок этишда кенг имкониятлар яратилади.
"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси Бошқаруви.

«Сарташ» фирмаси металл прокати, кальций карбиди, кесма-чўзма тўр, газ ва сув трубаси (Темиртовники), қишлоқ хўжалик машиналари учун эхтиёт қисмлар ва таъмирлов мажмуаларини сотади. МДҲ мамлакатларига сотиш учун маҳсулотлар харид қилади.
Телефон: (3712) 24-59-35.

TASHKOCAUTO



- Тошкентдаги омбордан ТОФАШ - "ФИАТ-ТЕМПРА", "ДОГАН", "КАРТАЛ" автомобилларини СОТАДИ
- Кафолатли таъмирлаш муддати бир йил, сервис хизмати кўрсатилади.

Манзил:
Тошкент ш. Ойбек шоҳ кўчаси 47.
Телефонлар: 54-99-27,33-83-27.
Факс: 89-13-61.

TOFAŞ FIAT

"ТАШКОЧАВТО" ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — О. Тўрақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0319 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.30. 1 2 3 4 5 6